



TRENDS IN CRIMINAL POLICY FOR THE PROTECTION OF MINORS FROM CRIMINAL ASSAULTS

Ashurova Nilufar Oktamovna

Associate Professor at the Department of Criminal Law Sciences,
University of Public Security of the Republic of Uzbekistan, PhD in Law
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14227609>

ARTICLE INFO

Received: 22th November 2024
Accepted: 26th November 2024
Online: 27th November 2024

KEYWORDS

Minors, criminal policy, crime prevention, legal protection, preventive measures.

ABSTRACT

Criminal policy in protecting minors from criminal assaults includes not only measures to strengthen the fight against crime but also the organization of preventive actions. This article analyzes international practices and trends in Uzbek legislation aimed at preventing offenses against minors.

ТЕНДЕНЦИИ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЛАСТИ ЗАЩИТЫ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ОТ ПРЕСТУПНЫХ ПОСЯГАТЕЛЬСТВ

Ашурова Нилуфар Уктамовна

Доцент кафедры уголовно-правовых наук Университета общественной безопасности Республики Узбекистан, PhD в области права
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14227609>

ARTICLE INFO

Received: 22th November 2024
Accepted: 26th November 2024
Online: 27th November 2024

KEYWORDS

Несовершеннолетние, уголовно-правовая политика, борьба с преступностью, профилактика, правовая защита.

ABSTRACT

Уголовно-правовая политика в области защиты несовершеннолетних от преступных посягательств охватывает не только меры по усилению борьбы с преступностью, но и включает организацию профилактических мероприятий. В данной статье рассматриваются международный опыт и тенденции в законодательстве Узбекистана, направленные на предотвращение правонарушений в отношении несовершеннолетних.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЙИ ТАЖОВУЗЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ашурова Нилуфар Ўктамовна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.ф.д. (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14227609>

ARTICLE INFO

Received: 22th November 2024
Accepted: 26th November 2024
Online: 27th November 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Вояга етмаганларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича жиноий-ҳуқуқий сиёсат нафақат жиноятчиликка қарши курашиш механизмларини



Вояга етмаганлар, жиноий-хуқуқий сиёсат, жиноятчиликка қарши кураш, профилактика, хуқуқий ҳимоя.

кучайтириш, балки профилактик чора-тадбирларни ташкил этишни ўз ичига олади. Ушбу мақолада вояга етмаганларга нисбатан хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган халқаро тажрибалар ва Ўзбекистон қонунчилигидаги тенденциялар таҳлил қилинади.

Жиноий-хуқуқий сиёсат вояга етмаганларга нисбатан нафақат жиноят хуқуқининг, балки давлатнинг умумий хуқуқий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. У ўз моҳиятига кўра, давлат томонидан ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган фаолиятни англайтиб, вояга етмаганларни уларга нисбатан содир этиладиган қонунбузарликлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олади.

Бундай сиёсатнинг мақсади фақат жиноят содир этилганидан кейин жавобгарликка тортишдан иборат эмас, балки вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан содир этилган зўравонлик ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кучайтириш ва зарарни қоплашни таъминлашдан иборат.

Муаммони ҳал қилишда жиддий тўсиқлардан бири вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилаётган жиноятлардир. Бундай жиноятлар жамиятнинг ёш авлодларига етказадиган зарари билан бир қаторда, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва хуқуқ-тартибот идораларининг вазифаларини ҳам мураккаблаштиради[1].

Шундай қилиб, давлат сиёсати оила ва болаларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилиши лозим. Бу нафақат вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар учун жазо чораларини кучайтиришни, балки мазкур соҳада жиноятларни олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган янги хуқуқий нормаларни жорий этишни ҳам назарда тутаяди. Давлат бошқаруви тизимида болалар ва оилаларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, профилактика чораларини кенг қамровли равишда ташкил этиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт аниқланишини таъминлаш муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, халқаро тажриба асосида оила ва вояга етмаганларни ҳимоя қилишда қонунчилик базасини такомиллаштириш, давлат ва жамиятнинг ушбу масаладаги ҳамкорлигини кучайтириш, қонун ижросини таъминлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, вояга етмаган шахслар бир неча мақомда иштирок этишлари мумкин: 1) жабрланувчи сифатида; 2) жиноятчи шахс сифатида; 3) жиноий жавобгарлик ёшига етмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилмайдиган шахс сифатида; 4) ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахс сифатида.

Жабрланувчи сифатида: Вояга етмаган шахс жабрланувчи сифатида жиноят қурбони бўлган шахс ҳисобланади. Бундай ҳолатда, вояга етмаган шахснинг хуқуқ ва



манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра, вояга етмаган жабрланувчиларнинг кўрсатмалари алоҳида эътиборга олинади ва уларнинг психологик ва ҳуқуқий ёрдам олиши таъминланади.

Жиноятчи шахс сифатида: Вояга етмаган шахс жиноятчи сифатида жиноят содир этган ёки жиноят содир этишга уринган шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган тартибга кўра, 14 ёшдан юқори бўлган вояга етмаган шахслар муайян жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолатда, жазо чоралари шахснинг ёшини ва унинг жиноий қилмишини тўлиқ англаган-англамаганлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Давлат органлари томонидан вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан тарбиявий ва реабилитация жараёнлари ҳам амалга оширилади.

Жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахс сифатида: Жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахслар жиноят содир этган бўлсалар ҳам, қонунан жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, жиноий жавобгарлик ёши 14 ёшдан бошланади. 14 ёшдан кичик шахслар жиноят содир этган бўлсалар, уларга нисбатан жазо эмас, балки тарбиявий ва реабилитация чоралари қўлланилади. Бу ҳолда, вояга етмаган шахснинг ижтимоий фаолиятини тўғри йўналтириш, унинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда уни ижтимоий муҳитга қайтариш асосий мақсад ҳисобланади.

Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахс сифатида: Ақли норасо вояга етмаган шахслар жиноят содир этган бўлсалар, улар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Агар шахс ижтимоий хавfli қилмишни содир этган пайтда ақли норасо ҳолатда бўлса, яъни сурункали ёки вақтинча руҳий касалликдан азият чекаётганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа психик бузилишлари сабабли ўз ҳаракатларининг (ёки ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаса ёки уларни бошқара олмаса, у жавобгарликка тортилмайди. Бундай ҳолатда суд томонидан унга нисбатан мажбурий тиббий чоралар қўлланиши мумкин. Бу даволаш чоралари орқали шахснинг соғлиғини тиклаш ва унинг хавfli хатти-ҳаракатларини бартараф этиш мақсад қилинади.

Вояга етмаганларга нисбатан «қонуний манфаатлар» тушунчасининг «вояга етмаганлар ҳуқуқлари» атамаси билан ёнма-ён қўлланилиши, ушбу ижтимоий қатламнинг ўзига хослигини намоён этади. Вояга етмаганлар – бу жамиятда тўлиқ ўзини намоён қилиш ва амалга ошириш учун махсус шарт-шароитларни яратишга эҳтиёжманд бўлган ижтимоий қатламдир. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари билан бир қаторда қонуний манфаатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қонуний манфаатлар икки асосий элементдан иборат: биринчидан, улар муайян ижтимоий неъматлардан фойдаланиш имкониятини англатади, иккинчидан эса, қонун билан ҳимоя қилиниши лозим бўлган манфаатлар бузилганда, тегишли ваколатли органларга мурожаат қилиш имконияти мавжуд бўлиши белгилайди[2].

Вояга етмаганлар қонуний манфаатлари уларнинг келажақдаги тўлиқ ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди, чунки мазкур манфаатлар орқали уларга зарур ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилади. Бу манфаатлар



фақат но болиғларнинг мавжуд ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, уларга тўлиқ ривожланиш, таълим олиш, психологик ёрдам ва ижтимоий мослашув каби соҳаларда ҳам ёрдам беришга қаратилган. Шу боисдан қонуний манфаатларнинг тўғри таъминланиши, вояга етмаганларнинг фойдали фаолиятлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тегишли органларга мурожаат қилиш жараёнида вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ҳуқуқлари доимий равишда назорат қилинади ва тегишли чоралар кўрилади. Шунингдек, бу жараёнда давлат органлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан алоҳида ёрдам ва кўмак кўрсатилиши уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қонуний манфаат субъектив ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, мустақил ҳуқуқий ҳимоя объекти ҳисобланади. Субъектив ҳуқуқдан фарқли жиҳати шундаки, қонуний манфаатга нисбатан тўғридан-тўғри ҳуқуқий мажбурият мавжуд эмас, яъни бошқа шахснинг ўзига нисбатан муайян тарзда ҳаракат қилиши мажбурияти қўйилмайди. Қонуний манфаатлар, одатда, абстракт табиатга эга бўлиб, улар муайян ҳуқуқий мажбуриятларни белгилаш ёки амалга ошириш билан боғланмайди[2]. Шу билан бирга, қонуний манфаатларнинг абстракт хусусияти уларнинг ҳуқуқий аҳамиятини пасайтирмайди. Улар ҳуқуқнинг алоҳида ҳуқуқий категорияси сифатида жамиятдаги турли ижтимоий муносабатларнинг тўғри йўналишда ривожланиши ва инсон манфаатларининг қонун доирасида ҳимоя қилинишида муҳим роль ўйнайди. Қонуний манфаатлар орқали шахсга муайян неъматлардан фойдаланиш имконияти яратилади ва зарур ҳолларда давлат органларига мурожаат қилиш орқали ҳимоя талаб қилиш ҳуқуқи таъминланади. Бу жараёнларда қонуний манфаатлар шахснинг шахсий ҳуқуқларидан кам эмас, балки уларнинг тўлиқ ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқий сиёсати бу соҳадаги жиноятчиликка қарши курашда қонунчиликни такомиллаштириш, махсус профилактика тадбирларини амалга ошириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини кучайтиришга қаратиши лозим.

А.Е.Якубов вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни бевосита объектга тажовуз қилишга қараб учта гуруҳга бўлишни таклиф этган: вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий фаолиятини рағбатлантирувчи жиноятлар: вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш; вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларини содир этишга жалб қилиш; вояга етмаган шахснинг озодлигига тажовуз қилувчи жиноятлар – болани алмаштириб қўйиш; оилани муҳофаза қилиш ва вояга етмаганларни таъминлаш ҳамда тарбиялаш учун зарур шароитлар яратишга тажовуз қилувчи жиноятлар: фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш; вояга етмаган шахсни тарбиялаш бўйича мажбуриятларни бажармаслик[3].

А.Е.Якубовнинг вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни учта гуруҳга бўлиш таклифи назарий жиҳатдан долзарб ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу тасниф жиноятларни вояга етмаганларнинг турли манфаатларига тажовуз қилиш



турларига кўра аниқлаш ва уларни тўғри таснифлашда ёрдам беради. Бироқ, ушбу таснифнинг баъзи жиҳатлари юзасидан танқидий нуқтаи назар билдириш мумкин.

Аввало, вояга етмаган шахсни жиноятга ёки ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилиш жиноятлари турли ҳуқуқий тизимларда ҳар хил даражада баҳоланади. Якубов бу жиноятларни бир гуруҳга бирлаштириш орқали уларни умумий тушунчага сингдирган. Аммо вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий фаолиятини рағбатлантирувчи жиноятларни аниқроқ таснифлаш зарурати мавжуд. Чунки жиноятга жалб қилиш ва ғайриижтимоий ҳаракатлар ўртасидаги чегара баъзи ҳолларда ноаниқ бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар учун тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, вояга етмаган шахснинг озодлигига тажовуз қилувчи жиноятлар гуруҳига болани алмаштириб қўйишни киритиш албатта муҳим. Аммо бу жиноятнинг кам учрайдиган ҳолат эканлигини ҳисобга олсак, уни алоҳида гуруҳга ажратиш ўрнига кенгроқ озодликка қарши жиноятлар доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Оилавий ва тарбия жараёнларига тажовуз қилувчи жиноятлар борасида Якубовнинг қарашлари тўғри ва асосли кўринади. Лекин фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш ёки тарбия бўйича мажбуриятларни бажармаслик каби жиноятлар баъзи қонунчилик тизимларида етарли даражада баён қилинмаган. Шу сабабли, ушбу масалаларнинг ҳуқуқий асослари ва жавобгарлик чораларини аниқлашда қонунларни такомиллаштириш лозим.

Шу боис, Якубовнинг таснифи муҳим амалий аҳамиятга эга бўлса-да, унинг айрим жиҳатларини қайта кўриб чиқиш ва чуқурроқ таҳлил қилиш зарур.

Г.П.Новоселов эса, мазкур турдаги жиноятларни тўрт гуруҳга бўлишни таклиф этган. Жумладан, биринчи гуруҳга икки турдаги жиноятлар киради: вояга етмаганни жиноят содир этишга жалб қилиш вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларини содир этишга жалб қилиш. Иккинчи гуруҳга болани алмаштириб қўйиш. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш унинг фикрича оила ва вояга етмаганларга қарши учинчи гуруҳ жиноятларини ташкил қилади. Тўртинчи турдаги тажовузлар эса: моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш[4].

Г.П.Новоселов томонидан вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни тўрт гуруҳга бўлишга уриниш жиноятларни янада тиниқроқ ва тўғри таснифлашга ҳаракат сифатида қизиқишга сабаб бўлади. Бироқ, ушбу таснифнинг ўзи ҳам танқидий таҳлилни талаб этади.

Новоселовнинг биринчи гуруҳ жиноятлари — вояга етмаганларни жиноятга ва ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилиш — А.Е. Якубовнинг таснифи билан ўхшаш бўлса-да, бу ерда ҳам бундаги ноаниқликларни кўриш мумкин. Жиноятга жалб қилиш ва ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилиш ўртасида аниқ фарқ мавжуд бўлиши керак, чунки бу икки ҳаракатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий оқибатлари турлича бўлади.

Иккинчи гуруҳдаги болани алмаштириб қўйиш жинояти ёки учинчи гуруҳдаги фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жинояти ҳақида гап кетганда, бу жиноятларни бир-биридан ажратишнинг қанчалик маъноли экани савол туғдиради. Бу



икки жиноят ҳам тўғридан-тўғри бола ва оилага қарши содир этилган жиноятлар бўлиб, уларни алоҳида гуруҳларга ажратишдан кўра бир-бирига яқин бўлган жиноятлар сифатида кўриш мумкин.

Тўртинчи гуруҳдаги моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти ҳақида айтиш мумкинки, бу жиноят вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим бўлган қонунчилик асосларини талаб қилади. Аммо, бу жиноятни алоҳида гуруҳ сифатида таснифлашдан кўра, уни оилага қарши тажовузлар қаторидан кўриш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда оила ва вояга етмаганларга (ёшларга) қарши жиноятлар бир бобда бирлаштириш амалиёти мавжуд. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Оиладаги жиноятчилик таъсири ёшларнинг тарбиясида акс этади ва аксинча, вояга етмаган шахснинг шаклланиш жараёнидаги салбий хусусиятлар оиланинг функцияларидан бирини бузилиши ҳисобланади. Қолдаверса, оила вояга етмаганлар учун асосий яшаш манбаларига бири бўлиб, баъзи ҳолатларда оила зиммасига унинг содир этган ҳуқуқбузарлиги учун юридик жавобгарлик юклатилган. Шу билан бирга, оила манфаатлари ва унинг ёш аъзолари манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Хусусан, ёш бола ижтимоий жиҳатдан носоғлом оила муҳитида бўлган ҳолатларда оила манфаатлари бола манфаатларига зид бўлиши мумкин.

Ушбу мавзу бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг танқидларига ҳам сабаб бўлган. Хусусан, Ю.Е.Пудовочкиннинг таъкидлашича: «Оила манфаатлари таҳлил қилинаётган жиноятларда (ҳаммасида ҳам эмас) қўшимча ёки факультатив объект ҳисобланади, шунинг учун уларни ЖКнинг 20-бобининг номи билан белгилаб бўлмайди. Шунингдек, Жиноят кодексининг VII бўлими номидан келиб чиқадиган бўлса, шахсга қарши жиноятларни бирлаштиради, балки у ўсиб ривожланадиган ижтимоий институтларга қарши жиноятларни эмас». Шу тариқа, муаллиф УКнинг 20-бобидан «оила» сўзини чиқариб ташлашни ва уни «Вояга етмаганларнинг ривожланишига қарши жиноятлар» деб номлашни таклиф қилган[5].

Ю.Е.Пудовочкиннинг таклифи жиноят қонунчилигида оила ва вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тузилмасига нисбатан янги ёндашувни илгари сурмоқда. Муаллиф оила манфаатларини қўшимча ёки факультатив объект деб кўриб, бу жиноятларнинг асосий мақсади оилани ҳимоя қилиш эмас, балки вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, у Жиноят кодексининг 20-бобидан "оила" сўзини чиқариб ташлашни ва бу бобни "Вояга етмаганларнинг ривожланишига қарши жиноятлар" деб номлашни таклиф қилади.

Бу ёндашув, албатта, мураккаб ва баҳсли масала. Бир томондан, оила жамиятнинг асосий институтларидан бири бўлиб, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий тизимнинг муҳим қисми ҳисобланади. Оилавий муносабатлар вояга етмаганларнинг тарбияси ва ривожланиши учун асосий омил бўлганлиги сабабли, бу икки институтни ажратиш кўплаб муаммоларга олиб келиши мумкин.

Иккинчи томондан, Ю.Е.Пудовочкиннинг таклифи вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.



Ҳақиқатан ҳам, вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жиноятлар уларнинг шахсий ривожланиши ва ижтимоий ҳимояси нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, муаллифнинг фикри вояга етмаганларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, ўринли бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, оила ва вояга етмаганлар ўртасидаги ўзаро алоқани инобатга олган ҳолда, Ю.Е.Пудовочкиннинг таклифи қонунчилик доирасида чуқурроқ муҳокама қилинишини талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жинсий-ҳуқуқий таъминлашнинг асосий тамойилларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- Айбсизлик презумпцияси тамойили, унга қўра, вояга етмаган шахс айби қонун билан белгиланган тартибда исботланмагунча, айбдор деб ҳисобланмайди.

- Қонунийлик тамойили, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан барча ҳаракатлар қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини англатади.

- Инсонийлик тамойили, бу вояга етмаганларга нисбатан уларнинг ёши, руҳий ва жисмоний ривожланиш хусусиятлари, шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи даражасини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда чоралар қўлланилишини талаб қилади.

- Индивидуал ёндашув тамойили, бу ҳар бир вояга етмаган шахснинг шахсий хусусиятлари, унинг ҳаётий шароитлари, айби даражаси ва тузалиш имкониятларини инобатга олишни назарда тутаяди.

- Тарбиявий чоралар устуворлиги тамойили, бу вояга етмаган жиноят содир этган шахсларга биринчи навбатда уларнинг тузалиши ва реабилитациясига қаратилган тарбиявий чоралар қўлланилишини англатади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда жинсий-ҳуқуқий тамойиллар муҳим аҳамиятга эга. Бу тамойиллар айбсизлик презумпцияси, қонунийлик, инсонийлик, индивидуал ёндашув ва тарбиявий чоралар устуворлигини ўз ичига олади. Ушбу тамойиллар вояга етмаганларни ҳимоя қилишда адолат ва инсонпарварликка асосланган ёндашувни таъминлайди.

Умуман олганда, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини жинсий-ҳуқуқий ҳимоя қилишда тадқиқот доирасида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, вояга етмаганлар жавобгарлиги ва жазо чораларини ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, вояга етмаганларга нисбатан жиноят учун жавобгарликни ҳуқуқий-тарихий жиҳатдан ўрганиш;

Иккинчидан, Ўзбекистонда нобалғулар вояга етмаганларга нисбатан жиноятчиликнинг замонавий ҳолати ва тузилишини ўрганиш;

Учинчидан, вояга етмаганларга нисбатан жиноят содир этувчиларнинг шахсини ўрганиш ва уларнинг типологик хусусиятларини аниқлаш;

Тўртинчидан, Ўзбекистонда вояга етмаганларга нисбатан жиноятчилик сабабларини таҳлил қилиш;

Бешинчидан, хорижий мамлакатлар қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан жиноятчилик учун жавобгарлик масалаларни ўрганиш;



Олтинчидан, вояга етмаганлар жавобгарлигини ва вояга етмаганларга нисбатан жиноят учун жавобгарликни ҳуқуқий меъёрларини такомиллаштириш ҳамда унинг қўлланиши бўйича назарий ва амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

References:

1. Бельцов Д.В. Уголовная ответственность за преступления несовершеннолетних и против несовершеннолетних // Дис.канд.юрид.наук. - Нижний Новгород, 2008. 233.
2. Малько А.В., Субочев В.В. Законные интересы как правовая категория. СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. С. 73–74.
3. Уголовное право Российской Федерации / Под ред. Б.Н. Борзенкова, В.С. Комиссарова.-М., 1997. С. 164.
4. Уголовное право. Особенная часть. Под. ред. Козаченко И.Я. и Незнамова З.А. - М., 2001.С. 168.
5. Пудовочкин Ю. Е. Ответственность за преступления против несовершеннолетних по российскому уголовному праву. - СПб., 2002. С. 85.